**8 декабрь — Конституция куни, умумхалқ байрами!**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Асосий Қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш дунё қонунчилик тажрибасида мавжуд ҳодиса. Ижтимоий тараққиётнинг бир сифат ҳолатидан бошқа янги сифатига ўтиш босқичини бошдан кечираётган ёш демократик давлатлар тажрибаси фикримиз далилидир. Ана шундай такомиллашиш неъматидан Ўзбекистон ҳам бебаҳра эмас. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу ҳол олдиндан расман белгилаб қўйилган. Жумладан, Конституциямизнинг олтинчи бўлимида «Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби» аниқ белгилаб берилган (127- ва 128-моддалар). Унга кўра, Конституцияга ўзгартиришлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади» (127-модда).

Ўзгартиришлар ва қўшимчалар мазмунан олти йўналишга, яъни Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд ҳокимияти ваколатлари, шунингдек, сайлов тизими ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби билан боғлиқ 30-моддага бевосита дахлдордир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳуқуқий ҳолати ва таркиби билан боғлиқ ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар Конституция XVIII бобининг ўн тўртта моддаси (76-88 ва 93-моддалар)га киритилган. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, улар Конституциянинг ўн уч моддаси (76 — 88-моддалар)да ўз ифодасини топди. Жумладан, 76-модда таркиби Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата) ҳамда уларнинг ваколат муддатлари билан тўлдирилди. 77-моддада палаталар ваколатлари, таркиблари, сайланадиган депутатлар олдига қўйиладиган шартлар белгилаб берилади. Айнан бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилди. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари 21 бандда ўз ифодасини топди.

Конституциянинг 81-моддаси жиддий таҳрир қилинди. Унда, жумладан, палаталар фаолиятлари муддати ва биринчи мажлислар тартиби, Қонунчилик палатаси сессиялари, Сенат мажлислари даври ҳамда муддатлари, ваколатлари, Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниш тартиблари аниқ белгиланди. Шунингдек, палаталар ишида Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раисининг иштирок этишлари юридик асослаб берилди.

Иккала палата алоҳида-алоҳида мажлислар ўтказишади. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, давлат бошлиғи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатлар раҳбарлари нутқ сўзлаганда иккала палата қўш мажлислар ўтказишади. Қўш мажлислар, айни пайтда, ўзаро келишувга кўра, бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Асосий қонун палаталар ваколатлари ва қарорларининг қабул қилиниши шартлари (82-модда), қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектларининг ваколатлари билан тўлдирилди (83-модда).

Конституциянинг 85-моддасида Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш тартиби, уларнинг ваколат муддатлари, Спикер вазифалари кўламлари аниқ белгилаб берилган.

Конституциянинг 86-моддасида Сенат раиси (Сенат Раиси номзодини Президент тақдим этади) ва унинг ўринбосарларини сайлаш процедураси, Сенат таркиби, Сенат Раисини лавозимидан муддатидан илгари чақириб олиш тартиби ва унинг ваколат вазифалари доиралари қайд этилган. 87-моддада Қонунчилик палатаси ва Сенат иш фаолиятларининг ташкилий йўналишлари ва тузилмалари, яъни муҳокамага киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палаталар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлаш, зарурат бўлганда Қонунчилик палатаси ва Сенат муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузиши белгиланган.

Конституциянинг 89-моддасида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг депутатлик ва сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар, депутатлар ва сенаторларнинг дахлсизлиги, ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари тақиқланиши, Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланишлари, улар тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмаслиги айтилган.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ташкил этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақоми ҳамда ваколатлари доирасини аниқ белгилашни тақозо этади. Шу жиҳатдан қонунда амалдаги Конституциянинг 89-, 90-, 93-, 95-97-моддаларига киритилган ўзгартишлар мантиқан тўғри ҳисобланади.

Асосий Қонуннинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир», деган таъриф асл ҳолича қолдирилди. Фақат амалдаги Конституциянинг шу моддасида қайд этилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади», деган хат боши олиб ташланди.

Конституциядаги 93-модданинг 6-7, 9-15, 17-бандлари қисман тўлдирилди, янги 23-, 24-, 25-бандлар қўшилди (амалдаги Конституциянинг 93-моддаси 21-банддан иборат эди). Аслида 7-, 9-, 24-бандлар тўлиқ ҳолда қўшилди. Уларда, асосан, Президентга дахлдор конституциявий ваколатларнинг бир қисми Олий Мажлис палаталари, жумладан, Сенат ихтиёрига ўтказилган. Президент Сенат раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Сенатга, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш учун Олий Мажлис палаталарига тақдим этади.

Модданинг илгариги матнида Президент қонунларни имзолаши, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни ўзи қабул қилиб, ўзи фуқароларни афв этиши кўрсатилган эди. Энди Президент қонунни эълон қилади, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади.

Модданинг 24-бандига кўра. Президент «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади». 93-модданинг 25-бандига «ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади», деган қўшимча киритилди. 95-моддада Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг норма фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилганда, шунингдек палаталар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилиши мумкин. Қонунчилик палатаси ва Сенат тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов 3 ой мобайнида ўтказилади. Палаталар фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Конституциянинг аввалги таҳририда «ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди» деб ёзилган эди. Энди Президент «Умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди», деб белгиланди.

Ижро этувчи ҳокимият мақомлари ва ваколатлари билан боғлиқ ўзгаришлар кўлами кенг. Ташкилий-таркибий мақомлардан ваколат доиралари-ю функцион вазифаларгача бўлган ўзгаришлар Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти институтларининг серкўлам фаолияти билан боғлиқ. Зотан, ўтиш босқичидек мураккаб демократик жараёнларни бошдан кечираётган давлат учун ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолият кўлами конституциявий янада аниқ бўлиши шарт. Ана шу табиий талаб ўлароқ, Конституциянинг 98-, 99-, 101-103-моддаларига киритилган ўзгаришлар диққатга сазовор.

Жумладан, 98-моддада Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий мақом ва функциялари таркибий тузилиши тартиблари аниқлаштирилган. Ҳукумат таркиби Президент томонидан шакллантирилади. Бош Вазир номзоди Президент тақдимига биноан Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Президент томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз конституциявий мақоми доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Киритилган ўзгартишда Бош вазир мақоми ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Мамлакат Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга, ҳукумат ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга ва зарур бўлганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ҳамда фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Президент ва Олий Мажлис олдида жавобгардир. Конституциянинг 101-моддасининг янги таҳририга биноан маҳаллий ҳокимият органлари мақоми ва вазифалари янада аниқлаштирилган. Жумладан, улар қонунларни, Президент фармонларини, юқори органлар қарорларини амалга оширадилар, республика ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш ҳуқуқий давлатнинг қатъий талаби. Бу аслида Асосий Қонунда ўз ифодасини топган. 109-модданинг янги таҳририга биноан Конституциявий суднинг мақоми ва вазифалари янада аниқлаштирилди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Асосий Қонунга киритилган навбатдаги ўзгартишлар туркуми сайлов тизими билан боғлиқ. Икки палатали парламентни ташкил этиш, шубҳасиз, сайлов тизимини такомиллаштиришни талаб қилади.

Сайлов тизими билан боғлиқ ўзгартишлар амалдаги Конституциянинг XXIII бобида аксини топган. 117-модда «Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар. туманлар. шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади», деган норма билан тўлдирилди.

Ниҳоят, 127-моддада Конституцияга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилиши махсус қайд этилди.

Амалдаги Асосий Қонунга киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар, шубҳасиз, мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, хусусан, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш орқали адолатли очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга, барқарорлик, тинчлик, тараққиёт ва юрт осойишталигини таъминлашга, давлат ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришга, жамиятда Конституция ҳамда қонун устунлигини тўлиқ таъминлашга, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Узоқ БОЗОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси, юридик фанлар номзоди, доцент.**

## ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ — ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ



*Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

Жиззах шаҳрида 136 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳаллаларда, ўқув масканлари ва меҳнат жамоаларида Конституцияни ўргатиш бўйича қатор ибратли ишлар қилинаяпти. Хусусан, шаҳар прокуратураси жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамжиҳатликда жойларда фуқароларнинг конституцион бурч ҳамда ҳуқуқлари юзасидан тушунтириш ишлари, суҳбатлар ўтказишни йўлга қўйган. Шунинг учун ҳам шаҳарда қонунбузарлик ҳолатлари тобора камайиб бораётир.

✧✧✧

**Суратда:** шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, учинчи даражали ҳуқуқшунос Барно Умарова фуқаро билан унинг конституцион ҳуқуқ ва бурчлари юзасидан суҳбатлашаяпти.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси И.А. Кочмарикнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XVI сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида»ги масала юзасидан сўзлаган**

# НУТҚИ

Ҳурматли Президент!

Ҳурматли депутатлар ва сессия қатнашчилари!

Барчамиз Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мамлакатимизнинг ҳозирги босқичдаги ривожланишига, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг эркинлаштирилишига баҳо берилган нутқини алоҳида диққат билан тингладик.

Биз Юртбошимизнинг парламентнинг фаолиятига, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг залда ҳозир бўлган барча депутатларининг қонун яратувчилик ишларига берган юқори баҳосидан мамнунмиз.

Олий Мажлиснинг ўтган беш йил давомидаги фаолиятини муҳокама қилаётиб, аввалambор, шуни таъкидламоқ лозимки, ортда қолган давр мобайнида ҳар бир депутат бизнинг, умуман парламентнинг зиммасига ислоҳотларнинг қонунчилик жиҳатдан таъминланиши масъулияти ётганлигини яққол сезиб турди.

Бу ишнинг барча босқичларида бизнинг парламентдаги фракциямиз ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ўз ишини ижобий ўзанларда олиб борди, ислоҳотларни таъминлашга қаратилган қонунлар, бошқа давлат қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ўзбекистон ХДПнинг яқинда бўлиб ўтган қурултойи партиямиз фракциясининг бундай ижобий ишларини маъқуллади.

Бунга фикримизча, мамлакат олий қонун чиқарувчи органида қарор топган юксак масъулият, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш, ҳурмат ва очиқлик ҳамда булар билан уйғунлашган юксак талабчанлик муҳити ҳам кўмаклашди.

Ўтган йилларда парламент фаолиятининг шакл ва услублари ҳам такомиллашди. Бизнингча, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар йиғилишларида энг муҳим қонунлар лойиҳаларининг республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирокида олдиндан кўриб чиқиш амалиёти ўзини оқлади. Жамиятимиз ҳаётининг ўта муҳим муаммолари олимлар ва мутахассислар иштирокидаги «давра суҳбатлари», анжуман ва семинарларда муҳокама қилинди. Ушбу тадбирлар бизга, бир томондан, у ёки бу жабҳалардаги муаммоларни яхшироқ билиб олиш ва қонунлар лойиҳалари устида ишлаётганда уларни ҳисобга олиш, иккинчи томондан, Олий Мажлис қабул қилган қонунларни тушунтириш имконини берди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг қонун яратувчилик фаолиятида мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти ва сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини вужудга келтириш йўналиши муҳим ўрин эгаллади. Бу ўз навбатида жамият сиёсий фаолиятини анча фаоллаштирди.

Бугунги кунда кўпгина нуфузли хорижий экспертлар мамлакатимизда кейинги йилларда демократик ўзгаришлар соҳасида катта қадамлар қўйганлигини қайд этмоқдалар. Бу шубҳасиз. Зеро, жамиятимизда сиёсий вазият шиддат билан ўзгармоқда. Бугунги вазиятни, масалан, 1999 йилдаги сайловлар арафасидаги вазият билан асло тенглаштириб бўлмайди. Зотан, жамиятнинг ўзи ҳам бугун тамомила бошқадир.

Мамлакатда демократик жараёнларнинг чуқурлашиб бориши бизни партиямиз фаолиятига танқидий назар ташлашга, бошқа партиялар каби бизга ҳам хос бўлган ва Юртбошимиз томонидан ушбу юқори минбардан туриб бир неча марта айтиб ўтилган мўртликдан қутилиш мақсадида аниқ қадамларни қўйишга ундади.

Ўтган йили янги сиёсий куч — жамиятнинг иқтисодий фаол қисми манфаатларини ифода этишга ҳаракат қилаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг вужудга келиши сиёсий ҳаётнинг фаоллашувига жиддий таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири бўлди.

Юз берган ўзгаришлар партиямиздан ўзининг сиёсий йўналиши, жамиятнинг қайси табақалари манфаатларини ифода этиши, кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, кимларга суянишини аниқлашни тақозо этди.

Бу жиддий масалалар партиямизнинг ноябрь ойи бошларида бўлиб ўтган IV қурултойида муҳокама қилинди. Қурултой Ўзбекистон Халқ демократик партиясини мамлакатимиз сиёсий кучларининг сўл қаноти эканлигини эълон қилди. Партия ўзининг ижтимоий таркибидан келиб чиқиб, мамлакатимиз меҳнат аҳли – ишчилар, қишлоқ меҳнатчилари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари ходимлари, илмий ва техник ходимлар, шунингдек аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳлари манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Партиямизнинг сўл йўналиши зинҳор хусусий мулк ва бозор иқтисодиётини инкор этишни билдирмайди. Билакс, Ўзбекистон ХДП бозор иқтисодиёти жаҳонда умум қабул қилинган иқтисодий эркинлик, барча мулк шаклларининг тенглиги ва биринчи навбатда хусусий мулкнинг дахлсизлиги негизида ривожланиши керак деб ҳисоблайди.

Бироқ, замонавий бозорга хос фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида партиямиз меҳнат аҳли манфаатларининг иш берувчилар манфаатларига нисбатан, истеъмолчилар манфаатларининг ишлаб чиқарувчилар манфаатларига нисбатан устуворлиги тарафдоридир.

Ўзбекистон ХДП ушбу манфаатларни ўзининг Сайловолди Платформасида белгилади, уларни сайлов кампанияси давомида ва кейинги парламентчилик фаолиятида фаол ҳимоя этмоқчи. Биз мазкур масалаларда бошқача қарашларга эга бўлган барча сиёсий партияларга нисбатан мухолифатда бўлишимизни қатъий эълон қиламиз.

Шу билан бирга, биз бошқа сиёсий партиялар раҳбарларининг бизга нисбатан мухолифатда эканликлари тўғрисидаги баёнотларини тушунамиз. Бу мамлакатимиздаги партиялар сиёсий қарашларининг бир-бирларидан ажралиши, ўзаро мухолифатда бўлишлиги жараёни бошланганлигидан далолат беради.

Ишончимиз комилки, бўлажак сайловлар натижасига мувофиқ, зарурлиги мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан кейинги йилларда бир неча марта кўрсатиб ўтилган, ҳозирги замон парламентчилигига хос парламент кўпчилиги ва парламент озчилиги фракциялари манфаатларининг мутаносиблигини таъминловчи механизм шаклланади.

Акциядорлик-тижорат

«ПАХТА БАНК»

барча юртдошларимизни **Ватанимизнинг Бош Қомуси — Конституциямизнинг 12 йиллиги** муносабати билан самимий ва қизғин муборакбод этади ва Сизларга **йиллик 32 фоиздан 38 фоизгача** даромад келтирадиган **«Фаровонлик», «Саховат», «Болалар келажагимиз»** ҳамда **«Эгасининг номи кўрсатилмаган»**

ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

*Юртдошларимизни ушбу байрам билан қутлар эканмиз, ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака ва фаровонлик тилаймиз!*

**«ПАХТА БАНК» —**

ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

**«Пахта Банк» Кенгаши ва Бошқаруви**

Хизматлар лицензияланган

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

## УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!



## АНАТОЛИЙ КОЗЛОВ

### (12-Андижон сайлов округи)

**У 1954 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Муҳандис-гидротехник.**

Меҳнат фаолиятини 1973 йилда Россиянинг Сизрань шаҳридаги «Гидростанок» институти қурилиш бўлимида катта техникликдан бошлаган. 1973-1975 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1976-1978 йилларда Андижон уй-қурилиш комбинати устаси, 1978-1980 йилларда 162-қурилиш трести ишлаб чиқариш технологик мужассамлаш бошқармаси бетон узелининг устаси, 1980-1996 йилларда техник назорат бўлими бошлиғи, бош муҳандис, 1996-2000 йилларда «Андижон вилоят қурилиш» АЖ раиси ўринбосари, ишлаб чиқариш технологик мужассамлаш бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди.

**2000 йилдан буён «Андижон вилояти қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Андижон вилоятига Амир Темур ордени топширилишига бағишланган тантанали анжуманда Анатолий Михайлович Козлов ҳам сўзга чиқди. Кўнгил қувончларини ўзбек тилида содда ва самимийлик билан билдирди. Минбардан тушаётганида Юртбошимиз уни саволга тутди:

— Фарзандларингиз ҳам ўзбекчани сиздек билишадими?

— Ўрганишяпти, худо хоҳласа мендан ҳам уста бўлишади, — деб жавоб берди Анатолий Михайлович.

У ҳар бир ишга қунт билан киришади, сидқидилдан тер тўкади. Анатолий Михайлович янгилик яратишда, изланиб ишлашда жамоадошларига доимо намуна. Андижоннинг жуда кўп масканларини обод ва кўркам қилишда фойдаланилган безак плиталари сифатлилиги билан ажралиб туради. Кенг, равон йўллар четларидаги бетон ҳошияларнинг ижодкору яратувчилари унинг жонажон жамоаси.

Корхона раҳбарининг ҳаракати ва унга эргашган жамоада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсяпти. Улар кун сайин олдинга интилишни ўйлашади. Хорижлик ҳамкор инвесторлар билан полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш ҳаракати ҳам олдинга интилишнинг маҳсулидир.

Анатолий Михайловичнинг депутатликка номзод сифатида белгилаган дастури бор:

— **Янги ишчи ўринлари яратиш, иш ҳақларини ошириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи қонунлар яратувчилари қаторида астойдил ишлаш бош вазифам,** — дейди у. — **Қонунлар пухта бўлса, ундан кўпчиликка фойда келади. Билимим, ҳаракатим билан сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.**



## ШУКУРЖОН МАМАТҚУЛОВ

### (13-Олтинкўл сайлов округи)

**У 1940 йили Андижон вилояти Андижон туманида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди, профессор.**

Меҳнат фаолиятини Андижон туманидаги ҳозирги Ғойиб Тошматов номли жамоа хўжалигида бошлаган. 1967-1976 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институти аспирантурасида ўқиб, шу ернинг ўзида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифаларида ишлаган. Шундан сўнг институтнинг Андижон филиалида тайёрлов бўлими мудири, бухгалтерия ҳисоби, статистика, молия кафедраси доценти, бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудири, 1992-1996 йилларда Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтида ўқув-тарбиявий ишлар бўйича проректор лавозимларида ишлади. **1996 йилдан буён Андижон банк коллежи ва унинг негизида ташкил этилган Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори вазифасида фаолият кўрсатмоқда.** Оилали, уч нафар фарзанди бор.

Шукуржон Маматқулов илм йўлига тасодифан кириб қолган эмас. Уни игна билан қудуқ қазишдек илм машаққатига ундаган туйғу — аниқ фанларни эгаллашга бўлган кучли иштиёқ, қолаверса, халқ иқтисод соҳасига қизиқиши сабаб бўлганди. Серқирра фаолияти давомида нафақат фанга оид янгиликлар устида, балки ўзи меҳнат қилаётган коллежда ўқув машғулотларининг юқори савияда ўтказилишига, ёшларга билим беришда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиб, таълим сифатини оширишга эътибор қаратди.

Тиниб-тинчимас олим турли йилларда эл-юрт фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўплаб лойиҳалар устида иш олиб бориб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи тадқиқотлар яратилишига ўз ҳиссасини қўшди.

Шукуржон Маматқулов қаерда меҳнат қилмасин, биринчи галда одамлар меҳрини қозонишга интилади. Ўз шогирдларига ҳам камтар, билимли ва юксак салоҳиятли кадрлар бўлишлари лозимлигини уқтириб келади.

Олим ўз илмий фаолияти давомида 30 дан ортиқ мақола ва ўқув-услубий қўлланмалар яратган. Унинг ҳаммуаллифлигида тайёрланган «Иқтисодиёт асослари» қўлланмаси ҳозирги кунда академик лицей ва коллежларда дарслик сифатида ўқитилмоқда.

Жонкуяр устознинг ёшларга таълим-тарбия беришдаги кўп йиллик меҳнатлари инобатга олиниб, 1998 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони берилган.

Шукуржон Маматқуловнинг номзодлик дастуридан қуйидагилар ўрин олган:

**— мамлакат истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратиш;**

**— қишлоқларда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни такомиллаштиришга оид қонун ва қонуности ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;**

**— аҳолининг ишсиз қатламлари, хусусан кам даромадли, қисман меҳнатга лаёқатли одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни назарда тутувчи инфратузилмани ишлаб чиқиш...**



## МАТЛУБАХОН ТЎЙЧИЕВА

### (15-Шаҳрихон сайлов округи)

**У 1954 йилда Шаҳрихон туманида туғилган. Андижон давлат педагогика институтини тамомлаган.**

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Бўз тумани 1-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу мактабда директор ўринбосари лавозимида ишлаган. 1991-1992 йилларда Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгашида бўлим мудири, 1992-1995 йилларда Бўз туман Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, 1995-2004 йилларда Бўз туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. **2004 йилдан буён Бўз тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Матлубахоннинг номини камдан-кам одам айтиб чақиради. Унга кўпчилик «опа» деб мурожаат қилади. Мана шу сўз замирида яқинлик, қадрдонлик, ўзгача меҳр мужассам. У ҳамиша қувончу ташвишларга шерик. Хўжалик, мактаб, маҳаллага борадими, одамлар унинг атрофини ўраб олишади, кўнгилларидагини айтишади.

Оддий қишлоқ қизи институтни тамомлаб, Бўзга келди. Ўша кезлари ёш муаллима бир умрга тақдирини Бўз билан, шу ердаги қалби дарё одамлар билан боғлашини ўйламаганди. Лекин у бу ерда бахтини топди. Бўз шаҳарчасидаги педагоглар хонадонига келин бўлди. Шаҳарчадаги 1-мактабда бир неча йил ёшларга сабоқ берди.

Матлубахондаги ишчанлик, одамларга ғамхўрлик, унга обрў-ҳурмат келтирди. Шунинг учун туман аёллари уни ўзларига сардор қилдилар.

Унинг саъй-ҳаракати билан ҳар йили туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Оналар ва болалар саломатлиги учун қилинаётган ишлар вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан маъқулланиб, қўллаб-қувватланди. Ана шу борадаги хизматлари учун Матлубахон Тўйчиева Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Бу йил Матлубахон Тўйчиевага катта ишонч билдирилди. У тумандаги «ўтириб» қолган «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раислигига сайланди. Хўжаликни қолоқликдан олиб чиқиш осон кечмади. Дон тайёрлаш режаси ошириб бажарилди, деҳқонлар хонадонига буғдой кирди. Пахта ҳосилдорлиги 4 центнерга ошди. Бошқарув раисига одамларнинг ишончи мустаҳкамланди.

— **Депутат бўлишнинг масъулияти кўп,** — дейди Матлубахон. — **Биз партиямизнинг сайловолди платформасидан келиб чиқиб, ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда ишчи ва хизматчиларнинг, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларда истеъмолчилар манфаатларига устуворлик берувчи меҳнат ва истеъмол бозорида тенг рақобат қила олмайдиган аҳоли заиф табақаларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтирувчи қонунларни ишлаб чиқишда фаол қатнашмоғимиз даркор. Ана шу вазифаларни сидқидилдан бажарилишига ҳисса қўшишни бурчим деб биламан.**



## РУСТАМ ТОШМАТОВ

### (16-Асака сайлов округи)

**У 1950 йилда Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида туғилган. Партиясиз. Олий маълумотли. Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-механик.**

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Сирдарё вилояти Оқ олтин туманида «Ҳақиқат» хўжалигида тракторчиликдан бошлаган. 1970-1975 йилларда Андижон пахтачилик институтида таҳсил олган. 1975-1977 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1977-1992 йилларда Андижон туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида муҳандис-механик, 1992-2000 йилларда «Эҳтиёж» кичик ишлаб чиқариш корхонаси директори вазифаларида фаолият кўрсатган. **2000 йилдан буён «Бодомзор» фермер хўжалиги раҳбари.** Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Қадрдон дўстлари тавсифномасидан:

«Рустам Султонмуродович доим янгиликка интилиб яшайди. Ташаббускор, фаол, сиёсий етук, барчага ғамхўр ва меҳрибон... Уни тез-тез деҳқонлар, зиёлилар ва кенг жамоатчилик даврасида учратасиз. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар доимий диққат марказида...»

— Мабодо, депутатликка сайланиб қолсангиз, мўлжалингизга олган ғоя, мақсад ёки дастурий режаларингиз? — сўрадик Рустамжондан.

— Мақсадим — халқ фаровонлиги, Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш, ҳаётий пишиқ, пухта қонунлар яратилишида иштирок этиш, бир сўз билан — халққа қайишиш... Жумладан, дастуримдан ўрин олган мана бу ғояларни сизга тўла ёзиб беришим мумкин:

**Мен ишлаб чиқарувчиларнинг ўз айланма маблағларидан мустақил фойдаланишларида ҳуқуқларини чеклайдиган солиқ тўловларини олдиндан мажбурий тўлаш амалиётидан мунтазам равишда топшириладиган даромадлар тўғрисидаги декларациялар асосида бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш амалиётини босқичма-босқич жорий қилишга ўтишни таклиф этаман.**

Ушбу вазифаларни бажариш учун эса зарур меъёрий-ҳуқуқий заминни яратиш мақсадида қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ишлаб чиқиш ва киритиш мўлжалини олганман:

— **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ, Божхона ва Уй-жой кодексларига;**

— **Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Товар бозорида рақобат ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонунларга;**

Қуйидагиларнинг тўлиқ иш билан бандлигини қонунчилик даражасида, ишончли тарзда кафолатлашни ҳам таклиф этиш ниятим бор:

— **умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини;**

— **меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа шахсларни;**

— **ишлайдиган пенсионерларга пенсияларни тўлашдаги чеклашларни олиб ташлашни...**

Тафаккур тиниқ бўлганда, мақсад ҳам аниқ бўлади. Рустамжоннинг режаларига ҳаётдаги энг нозик долзарб муаммоларга қаратилган.



## МАМЛАКАТ ЮСУПОВА

### (19-Жалолқудуқ сайлов округи)

**У 1951 йилда Жалолқудуқ туманида туғилган. Андижон Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

1970-1984 йилларда мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, 1-болалар ва ўсмирлар ижод уйида етакчи мутахассис лавозимларида ишлади. 1984-1985 йилларда Китобсеварлар жамияти туман бўлими масъул котиби, 1985-1986 йилларда Димитров номли жамоа хўжалигида раис ўринбосари, 1986-2001 йилларда Жалолқудуқ туман халқ таълими бўлими мудири, маданият ишлари бўлими мудири, 2001-2004 йилларда 1-ўрта мактаб директори лавозимларида ишлади.

2004 йилдан буён «Соғлом авлод учун» жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси. «Мустақиллик» медали соҳибаси. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастури кенг қамровли, ҳаётийлиги билан эътиборни тортади.

Мамлакатхон Бўрибоевна Юсупова умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаб келмоқда. **Тумандаги лицей, мактаб-интернат, ҳуқуқшунослик фанига йўналтирилган гимназияни ташкил этиш ташаббускори сифатида обрў-эътибор қозонди. Таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билимдонлик даражасини юксалтириш, компьютер синфхоналарини кўпайтириш ва компьютер саводхонлигини кўтариш ишларининг жонкуяри бўлди.**

У туман маданият бўлими мудирлигида ҳам астойдил изланиб тер тўкди. Кутубхоналар ишини кучайтириш, қишлоқ клубларида бадиий ҳаваскорлар жамоасини ташкил этиш, унга қобилиятли ёшларни жалб қилиш унинг диққат эътиборида бўлди. Муроджон Норқўзиев, Усмонжон Нурматов, Ўринхон Йўлдошева, Мухторжон Норқўзиев сингари истеъдодли маданият ходимлари билан ҳамкорликда Жиззах шаҳрида бўлган мақом ва рақс дасталари кўрик-танловида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаш замирида жуда катта меҳнат, изланиш, интилиш бор, албатта.

Мамлакатхон Юсупованинг «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Андижон вилоят бўлими раҳбари сифатида амалга ошираётган хайрли ишларидан ҳам кўпчилик мамнун. «Соғлом авлод — соғлом келажак», «Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш», «Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишни назорат қилиш», «Оилавий спортчилар» масалаларига бағишланган ўнлаб тадбирлар унинг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

**Унинг дастуридан «Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдек соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ мавзу алоҳида ўрин олган. Ёшларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш, уларнинг стихияли тарзда ўзга мамлакатларга иш қидириб кетиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, «Ҳарбий хизматчилар мақоми тўғрисида» Қонун лойиҳасини тайёрлаш зарурияти масалалари ҳам дастурида атрофлича таҳлил қилинган.**

Мамлакат Юсупова ҳар бир ишга меҳр, шижоат билан киришади, унинг кўнглидагидек бўлиши учун курашади. Шунинг учун ҳам, кўпни деб қилган кўп ишлари эл олқишига сазовор бўлди. Агар у сайланиб қолса, депутатлик фаолиятига ҳам ана шундай шижоат билан киришиб кетишига ишончимиз комил.



## МЎМИН ПОЗИЛОВ

### (20-Қўрғонтепа сайлов округи)

**Аслида у 1959 йил Қўрғонтепада деҳқон оиласида туғилди. Олий маълумотли. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-механик.**

«... Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Қўрғонтепа туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалигидан бошлаган. 1973-1974 йилларда «Ўзбексельмаш» заводида йиғувчи-чилангар бўлиб ишлаган. 1974-1976 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1976-1981 йилларда Тошкент шаҳридаги 6-қурилиш трестининг 32-қурилиш бошқармасида электрпайвандчи, 1981-1982 йилларда яна Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалигида механик, 1982-1985 йилларда шу хўжалик таъмирлаш устахонаси мудири, 1985-1997 йилларда мазкур жамоада бош муҳандис, 1997-1999 йилларда туман «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятида бошқарув раиси ўринбосари, 1999-2001 йилларда тумандаги «Қорасув» ширкат хўжалигида бошқарув раиси, **2002 йилдан эса туман 36-автопарки акциядорлик жамиятида бошқарув раиси лавозимларида ишлаб келмоқда.** Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор...»

Мўмин Собирович туман бўйича хўжаликлар ва деҳқон-фермер хўжаликлари талабини ўрганиб чиқиб, техника воситалари тўхтовсиз ишлашини таъминлаш ва уларга техник сервис хизматлари кўрсатишни доимо таъминлаб боришни кенг йўлга қўйди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш. ХДПнинг Экологик дастурини амалга ошириш каби масалалар унинг доимий диққат марказида.

— Сайловда муваффақият қозониб, мамлакат Қонунчилик палатаси депутати деган юксак ва шарафли номга сазовор бўлсангиз, унинг залворли масъулиятини ҳамда ўз бурчингизни қандай изоҳлаган бўлардингиз? — сўрадик ундан.

Жавоб лўнда бўлди. У қўйнидан ўз сайловолди ҳаракат дастурини олиб, алоҳида чизиб қўйган сатрларни ўқиди:

— **ҳар бир ишловчига унинг оиласини таъминлаш учун етарли меҳнат даромадини кафолатлайдиган, омил — меҳнатга қобилиятли аҳолининг унумли бандлигига эришиш — халқимиз турмуш даражасини оширишнинг бош йўналиши бўлмоғи лозим.**

Шу муносабат билан, таклиф қиламан:

— **меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш миллий дастурини ишлаб чиқиб, қабул қилиш;**

— **Ўзбекистоннинг меҳнат бозори мамлакатимиз аҳолисини анъанавий равишда ўзига тортадиган давлатлар билан меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида икки томонлама шартнома, битим ва бошқа давлатлараро ҳужжатларни тузиш ташаббуси билан чиқиш...**

Шунингдек, **«Аҳоли бандлиги тўғрисида»**ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш ва қабул қилиш лозим.

— Қойил! режаларингиз ҳам таклифларингиз ҳам дангал экан. Оқ йўл, Сизга. Аллоҳ ниятингизни йўлдош қилгай.

# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕҲНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН.

# УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## РУСТАМ ТИЛЛАБОЕВ

### (21-Избоскан сайлов округи)



**У 1945 йилда Избоскан туманида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Ихтисослиги — арабшунос-филолог. Тарих фанлари доктори.**

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси чет эл комиссияси маслаҳатчилигидан бошлаган. У 1968-1973 йилларда Тошкент давлат университети шарқ факультетида араб тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1973-1977 йилларда Россиядаги Шарқшунослик институти аспирантурасида таҳсил олган. 1977-1983 йилларда Алишер Навоий номли адабиёт музейининг Андижон филиали мудири, 1983-1991 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида катта илмий ходим, 1991-1995 йилларда Андижон давлат педагогика институти, Тиллар институтида шарқ тиллари кафедраси мудири, 1995-1996 йилларда «Янги куч» газетаси ижрочи директори, 1996-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлим бошлиғи, 1999-2004 йилларда Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимларида ишлаган.

**2004 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши биринчи котиби лавозимида ишлаб келмоқда.**

Оилали, уч нафар фарзанднинг отаси...».

Унинг дастуридан ўндан ошиқ муаммо ўрин олган. Сайловчилар билан бўладиган учрашувларда ўз ниятларини айтмоқда. Биз улардан иккитасини мисол тариқасида келтирамиз.

**— бюджетдан молиялаштириладиган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, юқори малакали педагог ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўланишини ушбу касбларнинг анъанавий нуфузига мос ва иқтисодиёт реал секторининг ишлаб чиқариш тармоқларидаги иш ҳақи билан тенглаша оладиган даражага етказиш;**

**— банк тизимида истеъмол бозорида товар-пул айланиши самарадорлигини пасайтирадиган, аҳолига накд пул тўланишининг кечиктирилишини келтириб чиқарадиган ва пировардида, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юритилаётган миллий валютани мустаҳкамлаш сиёсатига путур етказадиган монетар бошқарувининг маъмурий-буйруқбозлик шаклидан амалда воз кечиш...**

Рустам Абдусаматович Тиллабоев янгиликка ўч, ташаббускор. Жамоатчилик ишларида фаол. Айниқса, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш ва маънавиятини юксалтириш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар унинг кундалик ташвишларидан. У қандай лавозимда ишламасин, ишга юксак масъулият билан ёндашади. Шу боиски, нафақат Андижон вилоятида, балки республика партия фаоллари орасида ҳам катта ҳурматга сазовор.

## ОДИНАХОН МАДАМИНОВА

### (22-Хартум сайлов округи)



**У 1959 йилда Андижон туманида туғилган. Андижон пахтачилик институтини тамомлаган. Муҳандис-гидротехник.**

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Андижон тумани Сув хўжалиги тармоқлари бошқармасида диспетчерликдан бошлаган. 1981-1995 йилларда Мелиорация тармоқлари бошқармасида техник-мелиоратор, кимёгар-таҳлилчи, биринчи тоифали муҳандис, 1995-1998 йилларда Андижон жамоа хўжаликлараро Кенгашида биринчи тоифали муҳандис, 1998-1999 йилларда «Шарқ-97» кичик корхонасида ҳисобчи-компьютерчи бўлиб ишлади. Сўнг Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгашида ташкилий ишлар бўлими мудири, Андижон вилояти партия кенгашида гуруҳ раҳбари лавозимларида фаолият юритди. **2002 йилдан буён Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши котиби.** Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Одинахон эндигина иш бошлаган 22 ёшида вилоятнинг ўта зах, кам унумли ерларида деҳқончилик маданиятини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан чиққан эди. Ёш мутахассис ташаббуси билан Жалолқудуқ, Хўжаобод, Марҳамат, Андижон туманида ёпиқ дренажларни кўпайтириш, экин майдонлари мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ишлари авж олди.

Одинахон ўзи аъзо бўлган ЎзХДП Андижон шаҳар, кейинчалик вилоят кенгашидаги фаолияти давомида ҳам изланишни, ташаббускорликни сусайтирмади. У энг аввало одамларда Халқ демократик партиясининг инсонпарварлик дастурига ишонч уйғотишга киришди.

— **Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ислоҳотларни рўёбга чиқариши зарур. Республикамизда бу борада талай ишлар амалга оширилаяпти,** — дейди номзод. — **Аммо бу аҳоли ҳар жиҳатдан тўла-тўкис ҳаёт кечиряпти, деган маънони англатмайди. Бугунги кунда, партиямиз платформасида баён этилганидек, аҳолининг реал даромадлари, ҳар бир инсонга кундалик эҳтиёж моллари, ҳаётий зарур хизматлар, жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатларида истеъмолнинг умум қабул қилинган андоза ва меъёрларига мос даражага етказилиши керак.**

Одинахонни ташвишга солаётган муаммолардан яна бири, **мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдаги ноқонуний, сохтакорлик ҳолларидир.** Мана, биргина Андижон вилоятида тикувчилик, трикотаж ишлаб чиқариш, паррандачилик фабрикалари ишчи ўринларини кўпайтириш ўрнига биноларни, ундаги жиҳозларни сотиб юбориш билан мўмай даромад орттириш йўлидан бордилар. Натижада аҳоли ўта зич жойлашган вилоятда ишсизлик муаммоси янада ортди.

— **Ишлаб чиқариш объектларининг хусусийлаштирилиши ва янги мулкдор томонидан ўз зиммасига олинган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш керак,** — дейди Одинахон Мадаминова.

Номзод чекланган иш қобилиятига эга ногиронларга, кўп болали оилалардаги аёлларга, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар ва ижтимой ҳимояга муҳтож кишиларга пенсия тўлашдаги чеклашлар олиб ташланиши тарафдоридир.

## АЛИҚУЛ ЎРИНБОЕВ

### (71-Ангрен сайлов округи)



**1962 йилда Ангрен шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Ихтисослиги — тоғ ишлари муҳандиси.**

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Ангрен шаҳридаги 9-кўмир кони ишчилигидан бошлаган. 1980-1982 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Бундан кейинги унинг бутун меҳнат фаолияти кўмир конлари билан боғлиқ: 1982-2004 йилларда 9-кўмир конида ишчи, электр чилангар, тоғ устаси, ер ости участкаси бошлиғи бўлиб ишлаган... Ангрен «Кўмирқурилиш» бошқармаси бошлиғи, «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси, Ангрен шаҳар «Кўмирқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси, 9-кўмир кони раҳбари лавозимларида фаолият кўрсатган. **2004 йилдан бўён у «Ўзбеккўмир» ОАЖ Ер ости усулида кўмир қазиш бошқармаси филиали директори лавозимида хизмат қилиб келмоқда.**

Алиқул ака билан илгари шахсан таниш бўлмасам-да, эл-юрт орасида бу камтар, камсуқум, аммо ишга келганда «тошга ҳам жон» киритиб юборувчи инсон ҳақида кўп яхши гаплар эшитиб юрардим. Матбуотда мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатида унинг ҳам исми-шарифини кўрдим-у, у ҳақда доим оғзидан бол томиб сўзлаб юрувчи ҳамкасбларимдан бирига қўнғироқ қилдим.

— Зўр иш бўлди-да, — деди у қувончини яширолмай. — Одамини топиб рўйхатга олишди... Муносиб номзод... Доимо янгиликка интилиб яшайди. Ташаббускор, барчага ғамхўр ва меҳрибон одам. Жамоат ишларида жудаям фаол.

Мен унинг сайловолди **платформаси**дан хабарим бор: **халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, жамиятда хотин-қизлар мақомини кўтариш, ёшларни мустақилликка ёт одимлардан сақлашга қаратилган қонуний ҳужжатлар тайёрлаш ва уни амалга ошириш тарафдори. Шунда эл ҳам тинч, юрт ҳам. Тинчлик бор жойда тўкинлик ва барака бўлади.**

Яна бир ибратли жиҳати — Алиқул ака билан суҳбатлашсангиз унинг дунёдан хабардор маърифатли инсон эканига ишонч ҳосил қиласиз. Ишчилар, зиёлилар, партиядош дўстлари даврасида қизғин баҳс-мунозаралар олиб боради. Иқтисодиёт соҳасидаги ишларга халақит бераётган муаммолар, аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ХДПнинг экологик дастурини амалга ошириш каби масалалар билан тегишли ҳукумат муассасаларига таклифлар билан чиққанлигига шахсан гувоҳман. Ҳурматга сазовор инсон, қисқаси шу куннинг одами. Оилали, олти нафар фарзанди бор...

Бироз ўтиб танишим яна қўнғироқ қилди:

— Сизга яна бир янгилик: мен у кишига ишончли вакил бўлдим.

— Зўр. Номзод ҳам зўр. Муносиб номзод. Эл-юрт ардоқлаганича ҳам бор экан...

## АЛИЯ ЮНУСОВА

### (72-Бекобод сайлов округи)



**У 1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. ЎзХДП аъзоси. Маълумоти олий. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Юридик фанлари номзоди.** Алия Юнусова «Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг ҳуқуқий таъминоти» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозирги пайтда докторлик иши устида изланиш олиб бормоқда.

У меҳнат фаолиятини 1983 йилда Тошкент тиббиёт институти ўқитувчилигидан бошлаган. 1989-1991 йилларда академик И.Мўминов номидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасида таҳсил олди, 1992-1995 йилларда эса шу институтнинг давлат назарияси ва амалиёти бўлимида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. Кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита бош мутахассиси вазифасида меҳнат қилди. 1999 йилдан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Алия Юнусова асосий иши билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ҳамда Ички ишлар вазирлиги академияларида, шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тингловчиларга, ёшларга дарс бермоқда. Алия Юнусова ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар таклифига кўра Вашингтон, Алмати, Боку, Бишкек, Ўш, Вена, Варшавада ўтказилган инсон ҳуқуқлари мавзуига бағишланган қатор илмий-амалий анжуман, конференция ва семинарларда ўзининг маърузалари билан иштирок этган.

У доим янгиликка интилиб яшайди. Жуда кўп ўқийди, изланади. Инсонларга қўлидан келганича ёрдам беради. Билганларини ҳамкасблари билан ўртоқлашади. Жамоатчилик ишларида ҳам ҳар доим фаол.

Алия Юнусованинг касби ҳуқуқшунос бўлганлиги учун унга кўп фуқаролар мурожаат этишади. Бу, албатта, табиий. Уларга ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиради. Керак бўлса ўзи шу иш билан шуғулланади. Натижаси яхшилик билан тугаб, адолат қарор топгандан сўнг хотиржам бўлади.

— **Мен сайловолди дастуримга қуйидагиларни киритдим,** — дейди Алия Юнусова. — **Аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш; ёшларнинг муносиб ва самарали ишлашлари учун аниқ имкон берадиган стратегияни ишлаб чиқиш; сиёсий жараёнларнинг ошкоралигини ва унда барча фуқароларнинг қатнашишларини тўлиқ таъминлаш; ҳокимиятнинг барча тизимларида мониторинг фаолияти самарадорлигини ошириш; ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш; хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган масалалар бўйича таклифлар киритиш...**

Алия Юнусова Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Жамоа Кенгашида эксперт сифатида ҳам иш олиб борган. У жамоатчилик йўли билан қатор қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этган.

## СУЛТОНБОЙ ҲУСАНОВ

### (77-Паркент сайлов округи)



**У 1949 йилда Паркент туманида туғилган. ХДП аъзоси. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ихтисослиги — геолог-муҳандис-геокимёгар. Геология-минералогия фанлари доктори, профессор.**

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Нефть-газ конлари геологияси ва қидирув институтида катта лаборантликдан бошлаган. 1990-96 йилларда ЎзМУнинг геология факультетида доцент, профессор лавозимларида фаолият кўрсатди. 1996-99 йилларда «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акциядорлик бирлашмаси Меъёрий тадқиқот станцияси бошлиғи, 1999-2001 йилларда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси «Нефтгазмеъёр» ОАЖ бошқаруви раиси, 2001-2003 йилларда республика Фанлар академияси Геология ва геофизика институти директори, «Ер ҳақидаги фанлар» илмий маркази бош директори лавозимларида ишлади. 2003 йилдан буён Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институти «Литология ва нефть-газ геологияси» лабораторияси мудири ҳамда Ўзбекистон Палеонтологлари жамияти раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Олим-раҳбарнинг масъулиятли лавозимларда тармоқни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги технологияларни жорий қилиш борасида салоҳияти беқиёс намоён бўлди.

Султонбой Ҳусанов нефть ва газ геологияси соҳасида республикамизда етакчи олимлардан бири саналади. Илмий изланишларининг асосий йўналиши — нефть ва газ жойлашиши, табиий захираларни аниқлаш, қазиб чиқариш ва халқ хўжалигини ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш каби муаммолардан иборат. Шу борадаги узоқ йиллик илмий-амалий изланишлари натижасида иккита монография, олий ўқув юртлари учун дарслик, етмишдан ортиқ илмий асарлар яратди. Варшава, Москва, Санкт-Петербург, Таллин, Тбилиси, Боку, Ашхобод, Душанбе, Владивосток, Новосибирск, Львов сингари кўпгина хорижий шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманларда фаол иштирок этиб, илмий асосли маърузалар билан чиқди. Уни кенг жамоатчилик изланувчан олим, ишчан раҳбар, ёшларнинг меҳрибон устози сифатида яхши билади ва ҳурмат қилади.

Номзоднинг сайловолди дастурида эътиборга олинган муаммо-мавзуларнинг ўзиёқ унинг ҳар соҳага билимдон олим нуқтаи-назари билан қарашининг ёрқин далилидир. Мана танишинг:

**«Халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар, хусусан экологик мусаффолик, яшаш шароитларини яхшилаш, газ ва ичимлик сув билан тўла таъминланганлик масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Айни вақтда ишсизлик муаммосини ечиш учун ҳар бир тармоқда янгиликлар жорий қилиш талаб этилади. Масалан, турли майда конларни ишга тушириш мумкин. Бунга имкон бор. Бу — ҳам янги иш ўрни, ҳам иқтисодга таянч. Демакки, тармоқнинг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда қонунлар ишлаб чиқиш керак бўлади.**

**Яна бир масала — ички ва ташқи миграция тизимини такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда...»**

Султонбой Ҳусанов бу масалаларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси минбарига нафақат олиб чиқадиган, балки улар устида илмий-қонуний ишлашга қодир инсон ҳамдир.

## ҲАМИДУЛЛА НАЗАРОВ

### (80-Чирчиқ сайлов округи)



**У 1950 йилда Тошкент вилояти, Қибрай туманида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Ихтисослиги — автоматлаштириш муҳандиси. Техника фанлари номзоди.**

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Чирчиқ шаҳридаги 1-Қурилиш-монтаж бошқармасида алоқа монтёрлигидан бошлаган. 1968-1970 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. Хизматдан қайтгач, 1974 йилгача аввал Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрувчи металлар комбинатида, кейинчалик Чирчиқ автобус-такси саройида электр монтёри бўлиб ишлаган. Унинг кейинги меҳнат фаолияти «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик жамиятига қарашли «Ўзкимёсаноатлойиҳа» ОАЖ билан боғлиқ. Катта лаборант, муҳандис, катта муҳандис, кичик илмий ходим, илмий ходим, лаборатория мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, бош муҳандис лавозимларида ишлади. 1994 йилдан буён у «Ўзкимёсаноатлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти бош директори. Оилали, уч нафар фарзанди бор.

Ҳамидулла Назаров 1999 йилда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланган. **У ўшанда сайловолди платформасида кўзлаган барча ишларни сўнгги йиллар давомида бекамі-кўст бажарди. Белгиланган режаларининг ижросида фаол иштирок этди.** Жумладан, унинг раҳбарлигида Қизилқум фосфор комбинати ва Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида таъмирлаш ишлари, Тошкент қоғоз ишлаб чиқариш фабрикаси, Андижон, Қўқон спирт заводлари, полиамид, целлюлоза ишлаб чиқариш корхоналари лойиҳалари бажарилди. Бугунги кунда Қўнғиротдаги сода заводининг қурилиши ва «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятининг қатор қурилмалари лойиҳалари ҳам жадал амалга оширилмоқда.

Бу галги сайловолди дастурида:

**— Мамлакатнинг ҳар бир минтақасида хомашёни истеъмол учун тайёр маҳсулот ҳолида ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини устувор молиялаштириш ва кредитлаш мақсадида инвестиция фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий бошқаришга тегишли тузатишлар киритиш;**

**— ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган кундалик эҳтиёж моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ тўлдириш масаласини ҳал этиш;**

**— ишлаб чиқариш объектларининг хусусийлаштирилиши ва янги мулкдорларнинг инвестиция мажбуриятлари ижроси устидан самарали Парламент назоратини ўрнатиш;**

**— корхона мулкдори алмашганда иш ўринларининг кескин қисқартирилиши ва ходимларни ижтимоий ҳимоялаш даражасининг пасайишидан ҳимоя қиладиган қонун механизмларини яратиш** сингари устувор йўналишлар белгиланган.

Ҳа, Ҳамидулла Сотиволдиевич доим янгиликка интилиб яшайди. Ташаббускорлиги, маънавий етуклиги, барчага ғамхўр ва меҳрибонлиги билан ҳамкасбларига намуна. Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши ижроия бюросига аъзо. Республика партия-хўжалик фаоллари орасида катта ҳурматга эга.

*Қўшсаҳифа материалларини «Ўзбекистон овози» мухбирлари Номоз САЪДУЛЛАЕВ, Алимқул СУЛТОНОВ, Алижон АБДУРАҲМОНОВ, Аҳмадулло СОЛИЕВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, Беҳзод ШУКУРОВ ва Маъмуржон МАҲМУД тайёрладилар*

# НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ



## Ўзбекистон халқини мамлакат КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ шодиёналари билан самимий табриклайди.

*«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати бугунги кунда Қизилқум бойликларини ўзлаштириш бўйича кўп тармоқли, янги технологияларга эга қудратли комплексга айланганлиги барчамизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. У мустақил Ўзбекистон саноатининг пешқадамларидан ҳисобланади. Бу бежиз эмас. Ишчи-хизматчиларимизнинг (нафақат улар, балки бутун Ўзбекистон фуқароларининг) ҳақ-ҳуқуқлари Бош Қомусимизда тўла акс этиб, ҳимояга олинганки, шу боис улар ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ва самарали йўлларидан илгарилаб бормоқда.*

*Комбинатимиз 80 дан ортиқ хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилиши дунёда ўз ўрнига эгалигидан ёрқин далолат.*

*Шунга аминмизки, Навоий кон-металлургия комбинати келажакда ҳам кончилик ва уни қайта ишлаш саноатининг етакчиси, мамлакатимизнинг фахри бўлиб қолаверади.*





---

# BURSEL GROUP ЖАМОАСИ




**Ўзбекистон халқини 8 декабрь — КОНСТИТУЦИЯ куни билан муборакбод этади.**

*Ушбу улуғ айём арафасида барчага оилавий бахт, соғлик-саломатлик, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида куч-қувват тилайди.*

*Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўтган қисқа муддат ичида Ўзбекистонда чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Эндиликда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Бизнинг «Чиноз тўқимачи» ЛТД, «Оқсарой тўқимачи» ЛТД ҳамда Чирчиқ шаҳрида бунёд қилинаётган «Бурсел — Тошкент — Текстиль» МЧЖ қўшма корхоналари ҳам мустақиллик шарофатидандир. Корхоналаримиз Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшаётгани билан фахрланамиз.*

**Барча-барчангизни ушбу шодиёна билан табриклар эканмиз, сизларга оилавий бахт, юртингизда доимо тинчлик ҳукм суришини тилаймиз**

**Ўзбекистон асрлар оша мустақил ва бой давлат бўлиб яшнайверсин**



Спорт

# УМУММАМЛАКАТ МАРАФОНИДАН — ОММАВИЙЛИК САРИ

Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб уюштирилган умуммамлакат оммавий марафони ниҳоясига етди



Президентимиз ташаббуси билан 24 ноябрь — 5 декабрь кунлари уч йўналиш (Нукус-Урганч-Бухоро-Тошкент; Термиз-Қарши-Самарқанд-Жиззах-Сирдарё-Тошкент; Наманган-Андижон-Фарғона-Тошкент) бўйича умуммамлакат оммавий марафони ўтказилди. Унда ўз таркибига профессионал спортчиларни жамлаган вилоятлар терма жамоалари билан биргаликда минглаб ҳаваскор югурувчилар ҳам фаол қатнашдилар. Илк ҳисоб-китобларга қараганда, умуммамлакат оммавий марафони иштирокчилари сони юз минг нафардан ошиб кетди.

— Барча ёшга мансуб бўлган югуриш ишқибозлари ўртасида Москва шаҳрида ўтган анъанавий халқаро Тинчлик марафонида қаторасига ўн марта қатнашиб, мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш менга насиб этди, — дейди Жиззах туманида яшовчи меҳнат ва спорт фахрийси Абдимурод Султонов. — Ҳар доим ўзим иштирок этган ана шу мусобақаларни эсласам кўксим ғурурга тўлади. Юртбошимизнинг навбатдаги хайрли ташаббусини эшитиб, очиғи, роса қувондим. Югуриш бу — тетиклик, бардамлик, энг муҳими, соғлигимиз гаровидир. Ўзим салкам ярим асрдан бери югуриш билан шуғулланаман. Тўғри, чемпион бўлиб дунёга танилганим йўқ. Лекин тенгдошларим орасида анча тетикман, худога шукур. Бу эса мен учун ҳар қандай медалдан, чемпионликдан азиз. Шу боис, узоқ умр кўришни, саломат юришни истаганларнинг барчасини югуриш билан шуғулланишга чорлаган бўлардим.

Дарҳақиқат, илк маротаба уюштирилган умуммамлакат оммавий марафони ҳам ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига кўмаклашиш, республикамизда самарали фаолият кўрсатаётган уч босқичли тизим «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари дастуридан ўрин олган енгил атлетика спорт турини янада оммавийлаштиришни кўзлаб амалга оширилди.

— «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» шиори остида ўтказилган мазкур оммавий спорт ҳаракати аҳоли ўртасида енгил атлетикани оммавийлаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди марафон бош ҳаками Ашур Нормуродов. — Биз ўз олдимизга фақат кучлиларни аниқлашни эмас, балки турли ёшдаги ҳамюртларимизни оммавий спортга жалб этишни мақсад қилиб қўйгандик. Муддаомизга эришдик. Марафонда энг муҳими, аҳолининг кенг қатлами — қариялар, аёллар, ёшлар, барча-барча фаол қатнашди. Тўғри, тадбир давомида айрим камчиликлар кўзга ташланди. Ўйлайманки, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказиладиган навбатдаги марафонларда бу камчиликлар тузатилади. Марафон масофаси узайтирилиб, иштирокчилар сони ошди.

5 декабрь куни пойтахтимизда умуммамлакат оммавий марафонининг финал босқичи бўлиб ўтди. Салкам бир минг уч юз километр масофани босиб келган марафончилар ўртасида Ўзбекистон Миллий университетидан Амир Темур хиёбонигача бўлган 12 километр масофага уюштирилган югуриш мусобақаси ҳақиқий байрам тусини олди. Унда вилоятлар терма жамоалари билан биргаликда пойтахтимиздаги йигирмага яқин олий ўқув юртлари талаба йигит-қизлари ҳам фаол қатнашдилар.

Умуммамлакат оммавий марафонида умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти вакиллари бош совринни қўлга киритди. Бухоро, Наманган, Андижон ва Самарқанд вилоятлари марафончилари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди. Шахсий биринчиликда эркаклар ўртасида пойтахтлик Аъзам Алиев маррага биринчи етиб келган бўлса, аёллар ўртасида Нелла Ҳайитова (Навоий)га тенг келадигани топилмади. «Марафон гўзали» махсус совринни навоийлик Екатерина Микляевага насиб этди.



**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратларда:** марафондан лавҳалар.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

Интер-спорт

## БОКС БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

Ўта оғир вазнли собиқ мутлақ жаҳон чемпиони британиялик Леннокс Льюис WBC йўналиши бўйича ҳозирги жаҳон чемпиони украиналик Виталий Кличко билан такроран рингга чиқмоқчи эмаслигини баён қилди.

«Мен ўз ҳаётимда энг муҳим ва қийин қарорга келиб, бокс билан ҳайрлашдим. Бу билан афсусланмайман, — дейди Льюис.

Гап шундаки, Льюис билан Кличко 2003 йил июнида ўзаро учрашишган ва британиялик боксчи техник нокаут ҳисобида ғалаба қозонган. Ўшанда украиналик спортчининг қовоғи ёрилгач, шифокорлар учрашувни тўхтатишган. Энди Виталий Кличко 11 декабрь куни Лас-Вегасда Майк Тайсонни нокаут қилган британиялик Дэнни Льюисга қарши жанг қилиб, ўз унвонини ҳимоя қилади.


*Қудратимизга шубҳанг бўлса биз қурдирган иморатларга боқ.*
**Амир Темур**



**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ**

**СИЗНИ 8 ДЕКАБРЬ — КОНСТИТУЦИЯ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.**

**Кўчмас мулклар бўйича қонуний ва ҳалол хизмат**

**Манзилимиз: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (365) 223-71-36, факс: 223-71-30.**


*Ҳикматли сўзлар маъноси*

## СУЗОҒИЧ СИГИРГА МУГУЗНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ

Сигир зоти сузоғич бўлса, мугузи (шохи) бўлмаса ҳам, боши билан сузаверади. Шунингдек, урушқоқ одамга арзимаган бир нарса ҳам — баҳона. Бўлмаган бир баҳонани топиб, у одамнинг айбли-айбсизлигидан қатъи назар, кучи бўлса-бўлмаса урушаверади. Мазкур мақолни ва унинг қуйидаги вариантларини шундай одамларга қарата қаттиқ киноя тарзида айтадилар: «Тўқол сигир — сузоғич, оқсоқ бия — тепағич» (тўқол — шохсиз); «Сузадиган сигирга тангри мугуз бермас».


«MUSALLAM BONU» хусусий фирмаси ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгариб, «INDIANA SERVIS» МЧЖга қўшиб юборилди. Зарур бўлган масалалар бўйича 47-23-16 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин. **Манзил: А.Икромов тумани, А.Ҳошим кўчаси, 13-уй.**



BANK XALQ BANKI

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан

**ХАЛҚ БАНКИ**

***мамлакатимизнинг барча фуқароларини мустақил республикамиз бош Қомуси —***

**КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ**

***муносабати билан самимий муборакбод этади ва Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик, оилавий бахт ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилайди.***

Байрам муносабати билан мижозларга янги — **«Байрам»** қисқа муддатли, ютуқли омонат турини **ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Омонатчи белгиланган фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда **500 000 сўм** ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эга.

«Байрам» омонатига пул маблағлари 2005 йилнинг 1 январига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2005 йилнинг январь ойида Жиззах шаҳрида ўтказилади.

**ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!**

Хизматлар лицензияланган



**Toshkent shahar MUNITSIPAL BIRJA markazi jamoasi**




**республикамиз халқини, барча ҳамкор ва тадбиркорларни умумхалқ байрами —**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ**

**билан чин қалбдан табриклайди.**

Мамлакатимиз Қомуси асосида фаолият юритаётган халқимизнинг фаол тадбиркор ва ишбилармон шахсларининг сафлари янада кенгайишини тилаймиз.

Жамиятимизнинг энг муҳим бўғини бўлган ҳар бир оила ва ҳар бир хонадонни қут-барака, тинчлик, хотиржамлик ҳамда тўкин-сочинлик тарк этмасин.

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳар муниципиал биржа маркази биржа савдоларига таклиф қилади. Битимларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, сир тутилиши кафолатланади.

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А уй.**
**Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.**
**WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz**

*Лицензия №000005, ҳисоб серияси DB001.*



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Ma`murjon QIYOMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 257
**13257 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.40.
Topshirish vaqti — 23.30
1 2 3 4 5
**Sotuvda erkin narxda**